

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ

ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ, МАЊНАВИЙ - МАЃРИФИЙ,
ФАЛСАФИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛ

1
2021

FALSAFA va NUQOQ
ФИЛОСОФИЯ и ПРАВО
PHILOSOPHY and LAW

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАФКУРАСИ: ЭЗГУЛИК ГОЯСИННИГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

Шарипов А.З. -
*Бухоро давлат университети доценти,
 фалсафа фанлари номзоди*

Биз яратоётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм гояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умумисоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган.

Шавкат Мирзиёев

Инсоният тарихидан маълумки ҳар бир ҳалқ аввало, маънавий бирлашуви, миллий гояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. Зеро Президентимиз такидлаганидек, “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”дир.

Дунёда кескин кураш ва рақобат хукм суроётган, манфаатлар тўқнашуви кучаяётган, глобализация инсон тараққиёти учун янги имкониятлар билан бирқатордатурли муаммоларни ҳам келтириб чиқараётган ҳозирги даврда миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортмоқда. Фақат ўз манфаатларини кўзлаб иш юритиш, меҳнатга лоқайдлик, оиласа бепарволик, истеъмолчилик хулқини шакллантириш турли йўллар билан ёшлар онгига сингдириляпти.

Бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий мафкура соҳасида фаолиятимизни янги босқичга кўтаришни талаб этилмоқда. Бундай шароитда жамиятни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг янги усул ва воситаларини жорий этишга қаратилган илмий ва амалий чора-тадбирлар олиб бориш зарур. Шу ўринда ёшлар қалби ва онгига мафкуравий иммунитетни кучайтириш билан боғлиқ вазифалар қаторига куйидагиларни киритиш лозим:

биринчидан, «коммавий маданият» кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёхвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби вайронкор ғоялардан асраш, ёшларнинг таълим-тарбиясига барча жамият аъзоларини жалб этиш вамасъулиятини ошириш;

иккинчидан, мамлакатимизда турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш;

учинчидан, адашган, ўзи англамаган холда диний экстремистик оқимларга аъзо бўлиб қолган ва афв қилингандарни, уларнинг фарзандларини жамоат ишларига, дунёвий турмуш тарзига, хусусан, фан ва касб-хунар тўгараклари, санъат фестиваллари, спорт мусобакаларига жалб қилишга эътибор бериш;

тўртинчидан, сиёсий партиялар дастурий мақсад ва вазифаларини, мафкуравий соҳадаги ишларида сусткашлика йўл қўймаслик, бу борада ҳалқаро ҳамкорликни кучайтириш чораларини кўриш;

бешинчидан, таълим-тарбия каби муҳим стратегик масалага эскича қарап, эскича билим ва тизим билан ёндашмаслик, бу борада энг замонавий ва илфор тизимни яратишга эришиш зарур;

олтинчидан, миллий ғояни фарзандларимиз онгига айнан болалик давридан, боғчадан ва мактабдан бошлашга эришиш, бундабебаҳо аждодларимиз меросини, дунё тажрибасини, турли ҳалқларнинг ютуқ ва камчиликларини атрофлича ўрганиш.

Умуман олганда, мафкура соҳаси – хилма-хил субъектлар, инсон ва миллат, жамият ва шахсларнинг ғоя ва мафкура йўналишидаги фаолияти, улар билан боғлиқ жараёнлар, ўзаро муносабатлар, алоқа ва мулоқотлар мажмуи, ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳасини ифодалайди.

Эзгулик ғоясини таҳлил қилишга киришар эканмиз, аввало мафкура соҳасининг қўйидаги жиҳатларини қайд этиш мақсадга мувофиқ:

- муайян ғоялар, уларнинг намоёнбўлиш шакллари, хусусиятлари ва мафкура йўналишидаги фаолият тизими;
- жамиятнинг шу соҳасига хос ижтимоий муносабатлар ва инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солувчибаъзи талаб ва қоидалар мажмуи;
- ғоя ва мафкуравий соҳадаги таълим-тарбия, тарғибот ва ташвиқот тизими даниборат яхлит ҳодисалар ва жараёнлар мажмуидир.

Мафкуравий соҳажамиятда амал қилувчи ижтимоий меъёрларга асосланиб, улар ўз-ўзидан вужудга келмасдан, ривожланмасдан, балки шу жамият фуқаролари, фаол шахслар иштирокида амалга ошади. Шахснинг ғоявий юксалишп ва жамиятнинг бу соҳадаги барқарорлигини сақлаш ниҳоятда катта аҳамиятга молик ва бир-бири билан узвий алоқадор ҳолатлардир. Мазкур соҳадаги юксалиш инсон ҳаёти мазмунининг бойишига, унинг шахс сифатида янада комилликка эришишига асос бўлади. Шахснинг ғоявий дунёси, унинг эътиқоди ва дунёқарашининг шаклланиш даражаси мазкур жамиятда амал қилувчи қадриятлар ва анъаналарга қанчалик мос келиши билан белгиланади. Бундаги ўзаро мутаносиблик эзгуликнинг рӯёбини амалга чиқиши, янада мукаммаллашиб бориши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Бизнинг юртимизда жамият ҳаётини эркинлаштириш, адолатни таъминлашва қонун устуворлигига эришиш, ҳалқ манфаатларига хизмат қилиш ва шу асосда яшашга интилиш каби туйғулар асрлар давомида узлуксизтараққиёт натижасида камол топган ҳалқимизнинг онгу тафаккурида эзгу тушунчалар орқали шаклланган. Айни пайтда, улар жамиятимиз аъзоларининг етук шахс сифатида шаклланиши билан боғлиқ таълим-тарбия жараённида юзага келадиган ижтимоий фазилатларининг таркибий қисми сифатида амал киласди.

Аслида турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўз ғоявий тизимларини яратиш ва тарғиб қилишдан кўзлаган мақсадларга асосланган ғояларнинг ривожланиб бориши инсонда жуда катта умид-орзулар туғдиради. Чунки умуминсоният манфаатлари учун хизмат қилувчи бундай ғояларнинг рӯёбга чиқиши жаҳон миқёсида тинчлик ва тараққиёт, инсон эркинлиги, миллий ва диний тотувликка эришишига, эзгулик ғоясининг жамият ҳаётида умуминсоний қадрият сифатида баҳоланишига олиб келади.

Етарли билим, малака, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган, ўз тарихи, аждодларининг инсоният тараққиётида ўчмас из қолдирган бебаҳо меросидан бехабар ёшлар турли бузғунчи мафкуравий кучларнинг тузоғига илиниши ҳеч гап эмас. Бунинг олдини олиш учун уларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш лозим. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бу борада “Барчамизга аёнки, бугунги кунда ён-атрофимизда ёшларнинг қалби ва онгини заҳарлаб, уларни тўғри йўлдан оғдиришга қаратилган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда. Бундай мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида барчамиз биргаликда курашмогимиз, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлашимиз зарур” – деб таъкидлайдилар.

Эзгулик, одамийлик ва гуманизм ғояларига асосланган, манфаатлар ва фикрлар хилма-хиллигини эътироф этадиган мафкуравий тизимлар ўз сохибларини тараққиётга элтади. Тор миллий ё синфий талаб-эҳтиёжларни бошқа ҳалқлар ёки гуруҳлар хисобига қондиришни ният қилган, ёвузлик, антигуманистик моҳиятга эга мафкуралар охир-оқибат барбод бўлади, ўз тарафдорларини таназзул ва ҳалокатга дучор этади.

Дунёда, ён-атрофимизда кескин рақобат, ғоявий, мафкуравий кураш кетаётган шундай мураккаб бир вазиятда фақатгина инсон манфаатларини, ҳалқ иродасини, эзгулик ва одамийликни ўзида акс эттирган ғояларгина мамлакатни, жамиятни ёт ғоялар таъсиридан, мафкуравий тазииклардан муҳофаза қила олади. Агар мамлакатда миллийлик рухи билан

суғорилган, халқнинг эзгу мақсадларини ўзида акс эттирадиган, баркарор ривожланишни таъминлашга қаратилганғоялар ҳукмронлик қилса, у ҳолда бундай мамлакатда қулай ёки ижобий мафкуравий вазият вужудга келган ҳисобланади.

Шунингдек, жамиятда янги мафкуранинг шаклланиши, ривожланиши ва халқ онгига сингдирилиши борасида амалга оширилаётган ишларни муайян ҳудуд ёки минтақадаги хилма-хил мафкураларнинг ҳукмронлик учун бўлган ўзаро курашларини ҳам англатишини унутмаслик зарур. Айни пайтдаги мафкуравий вазият – шакланаётган мафкура билан ўз “вазифа”сини бажариб бўлган ёки адо эта олмаган мафкура ёки унинг қолдиқлари ўртасида муросасиз кураш боришиниҳам ифодалайди. Ахир“Афсуски, ҳали орамизда милллий ғоянинг, маънавиятнинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаганлар, маънавият керакми-йўқми деб юрганлар ҳам йўқ эмас. Милллий ғоя деганда эски совет мафкурасини тасаввур қилиб, лабига учук тошаётганлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳам ҳақиқат. Лекин агар мафкура одамий бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қадр-қимматини улуғлашга хизмат қилса, нима учун ундан кўркишимиз керак? Ҳамма ҳаракатларимизнинг асоси — ҳалқимизни рози қилиш, одамийлик нуқтаи назаридан нимаки қилаётган бўлсак, ҳаммасининг асоси шу” - дея бежиз таъкидланмади.

Биз бевосита эзгулик ғоясини тадқик этар эканмиз, аввало унинг маънавий-ахлоқий категориялар орасидаги энг муҳим тушунчалардан бири эканлигини, инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатиши ва Аллоҳ иродасининг инсон қалбидаги тажассуми сифатида намоён бўлишини англаймиз.

Бу тушунча ўзида қўйидаги хусусиятларни акс эттиради:

- инсонга энг кучли маънавий лаззат бағишлиш;
- кишини ижтимоий шахсга айлантириб, чинакам баҳт сари етакловчи фазилат;
- шахсни комилликка, жамиятни эса юксак тараққиётга етказувчи юксак қадрият.

У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Тоталитар тузумлар мафкурасида эзгуликни талқин этишнинг ноилмийлиги, сохталиги ҳозирги кунда ҳаммага аён. Эзгулик одатий, кундалик ҳаёт мезонлари билан ўлчанмайди, у “муҳаббат” сингари камровлилик ва ижтимоийлик хусусиятига эга. Эзгуликнинг ахлоқий идеал билан боғлиқлиги шундадир. Шу туфайли у амалиётда фидоийлик, даҳлдорлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, халққа хизмат қилиш сингари тамойилларни ўз ичига олади. Эзгулик ва ёвузлик жуфтлигига ҳар икки томон бир-бирини тамомила инкор этибина қолмай, улар ўртасида ҳаёт-мамот кураши кетади ва бу абадий кечадиган жараён сифатида олами ҳаракатга келтирувчи куч тарзида намоён бўлади. Бу жуфт фалсафий категорияларнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, улар инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эга. Уларни инсон табиатидаги эзгулик ва тубанликни ўлчайдиган ўзига хос тарозига ўхшатиш мумкин. Инсоннинг комиллиги, жамиятнинг маънавий такомилга эришган-эришмагани шу мезон билан ўлчанади. Эзгулик ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий категория бўлиб, ахлоқий баҳонинг энг умумий шаклидир. У ўзида ижобий нарса, воқеа-ходисалар, жараён ва вазият ҳамда фазилатларни мужассам этади.

Эзгулик ҳақидаги тасаввурлар халқдан халққа, авлоддан авлодга ўтиб шаклланиб келган. Эзгуликнинг маъно-моҳияти ёвузликка қарши курашда ўз ифодасини топади. Ёвузлик ҳамиша ҳам яққол намоён бўлмайди, баъзан у эзгулик никобида ҳам кўриниши мумкин. Буни англаб етиш кишидан огоҳлик ва хушёрлик, зийраклик ва лоқайд бўлмасликни талаб этади. Бу тушунча ахлоқий баркамоллик негизи сифатида, олийжаноблик, меҳроқибат, самимийлик, сахийлик, беғараз туйгуларда ўз ифодасини топади. Умуман олганда, эзгуликни ижтимоий, шахсий хулқ-атвор ва ҳатти-ҳаракатни маънавий жиҳатдан баҳолашнинг муҳим мезони дейиш мумкин.

Эзгулик маънавий-ахлоқий категориялар орасидаги энг муҳим тушунчалардан бири бўлиб, инсон фаолиятининг асл моҳиятини англатади. Эзгулик инсонга энг кучли маънавий лаззат бағишлидигануни ижтимоий шахсга айлантириб, чинакам баҳт сари етакловчи фазилат; шахсни комилликка жамиятни эса юксак тараққиётга етказувчи юксак қадриятдир

аслида. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли муайянлашади, юзага чиқади. Уни синфиийлик ёхуд партиявийлик қобигига ўраш мумкинмас.

Эзгуликка интилиш кундалик ҳаётда давлат ва жамият ҳаётидан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида “ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун”, “жамият – ислоҳотлар ташаббускори”, “миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”, “жаҳолатга қарши – маърифат”, инсон капитали, интеллектуал салоҳият, инновацион ғоялар, юқори технологиялар, жадал ва барқарор тараққиётнинг фундаментал асосини ташкил этиш йўлида бунёдкор ишларни амалга ошириш, маънавий-маърифий жиҳатдан юксалиш сари интилишdir. Эзгуликка интилиш инсоний баркамоллик, ягона Ватан туйғуси, янги Ўзбекистон маънавий қиёфасини шакллантириш ва юксалтиришга бўлган ҳаракат, фикрлаш ва ташаббус кўрсатишдан иборат фаолият туридир. Инсон эзгуликка интилар экан, ўз тақдирини бошқалар тақдири билан боғлиқ ҳолда эканини англай бошлайди. Эзгуликка интилиш ўз миллий мансублигидан фахрланиш, миллатининг бой тарихи, маданий ва маънавий меросидан, унинг жаҳонцивилизациясига кўшган ҳиссасидан ғуурланиш имкониятидир. Бу туйғу –ўзлигини англаш ва ўзгаларни тушунишга даъват этадиган кудратли кучдир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам эзгулик, одамийлик ва гуманизм ғоялариасосида миллий мафкурани шакллантириш масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда бу борада қатор қарорлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфиззик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида маънавият йўналишидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди. Чунки бу борада ечимини кутиб турган, ўзгаришлар шамоли кириб бормаган масалалар кўп.

Ёшларда ёт ғояларга нисбатан маънавий иммунитет шаклланмас экан, «бу – яхши, бу – ёмон» деган қатъий фикр пайдо бўлмас экан, мафкуравий хатарларга қарши туриш қийин бўлади. Ана шу нуқтаи назардан қарагандан мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятида эзгулик ғояси мужассам этилган.

АДАБИЁТЛАР:

- Мирзиёев Ш.М. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир // <https://president.uz/uz/lists/view/4089> (мурожаат санаси 19.01.2021)
- Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020. – 456 бет
- Мирзиёев Ш.М. Маънавият керакми-йўқми деб юрганлар ҳам йўқ эмас. <https://kun.uz/news/2021/01/20/>
- Назаров Қ.Н. Фоялар фалсафаси тажрибавий қўлланма. – Тошкент: “Академия”, 2011. – 332 бет
- Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-китоб. – Тошкент: “Маънавият”, 2019. – 920 бет
- Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавсиззик. – Тошкент: “O’zbekiston”, 2015. –456 бет
- Назаров Қ.Н. Ўзбек фалсафаси тарихи (III жилд). – Тошкент: “Muhammarr”, 2020. – 504 бет

РЕЗЮМЕ:

Ушбу мақола янгиланаётган Ўзбекистон жамиятининг ғоявий-мафкуравий соҳаларида рўй бераётган туб ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ижтимоий-фалсафий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: маънавият, маърифийлик, дунёвий илм-фан, янги Ўзбекистон, маънавий қадриятлар, миллий ғоя, мафкура, эзгулик, эзгу иш

РЕЗЮМЕ:

В статье дается социально-философский анализ сущности радикальных реформ, происходящих в идеологической сфере узбекского общества.

Ключевые слова: духовность, просвещение, современная наука, новый Узбекистан, духовные ценности, национальная идея, идеология, доброта, добroе дело

RESUME:

The article provides a socio-philosophical analysis of the essence of radical reforms taking place in the ideological sphere of Uzbek society.

Keywords: spirituality, enlightenment, modern science, new Uzbekistan, spiritual values, national idea, ideology, kindness, good deed.

	влияние на развитие философи		
26.	Норқобилов М.Х.	Саъдулдин Тафтазонийининг “Шарҳ ал-Ақоид” асарида “ишибошиларга итоат” масаласи	107
27.	Гафурова С.	Ҳалқаро одат нормаси “Opinio juris”нинг ҳуқуқий мөхияти	111
28.	Сапаров Б.Б., Сапаров А.Б.	“Авесто”да ҳуқуқий маданият масалалари	114
29.	Умирзакова Н.А.	Жамият ҳаёти ва медикализация	118
30.	Қодиров Н.Н.	Ёшлилар ижтимоий фаоллигини оширишида фуқаролик жамиятни институтлари иштироки	122
31.	Хайдаров Р.Э.	Ўзбек ҳалқи фалсафий тафаккури ривожида Алишер Навоий ижсадининг аҳамияти	126
32.	Мамадалиев М.М.	Миллий анъана ва маросимларда норматив-ҳуқуқий ва ахлоқий- эстетик хусусиятларнинг симбиозлашуви	131
33.	Ботиров М.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари масаласи	135
34.	Абдуллаев Б.Б.	Ёшлилар сиёсий маданияти трансформациялашувининг рақамли замонавий омили	139
35.	Рахимова Ш.А.	Жамиятнинг модернизациялашувида аҳборот алмашинувининг регулятив функциялари	144
36.	Бойсунов Ж.Х.	Маънавий маданият тушунчаси ва унинг фалсафий категория сифатида ўрганилиши.	148
37.	Межевникова О.П.	К проблеме разграничения объективной и виртуальной реальностей в сознании человека	152
38.	Қадиров М.Б.	Фуқаролик жамиятнинг давлат ва нодавлат ташкилотлари муносабатини такомиллаштириши йўллари	156
39.	Бабакулов З.К.	Товар белгисидан фойдаланишининг фуқаролик-ҳуқуқий шартлари ва тартиби	161
40.	Гулбоев Б.	Ҳозирги замон цивилизациясининг асосий хусусиятлари	165
41.	Шербобоев М.А.	Карл Поппер ижтимоий билиш мантигининг ўзига хослиги тӯғрисида	169
42.	Қурбонов Т.	Миллий гоя ва миллий менталитет ривожи	172
43.	Қамбаров Ш.	Инновацион технологиялар таълим-тарбия сифатини ошириш омили	175
44.	Имомов Э.	Шахс маънавий камолотида ижтимоий-маънавий мухитнинг таъсири	178
45.	Худойбердиев Д.	Соғлом турмуши тарзи – юксак истеъмолчилик маданиятини қарор тоттириши омили	181
46.	Юлдошев Б.	Замонавий раҳбар ижтимоий қиёфасини юксалтиришининг долзарб вазифалари	185
47.	Ахмедов А.	Рақамли иқтисодиёт ва унинг инновацион тамоилилари	189
48.	Шарипов А.З.	Янги Ўзбекистон мағкураси: эзгулик гоясининг ижтимоий- фалсафий таҳлили	193
49.	Тўраева А.П.	Глобаллашув жараёнининг фарзандлар хулқ-авторига таъсири	198